

КИШЛОК ХОЖИЖИЛИГИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси
Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 18 июнь
СЕШАНБА
№ 115 (5.157).
БАҲОСИ 8 ТИНИИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Хафтада беш марта чоп этилади

ҒАЛЛА ХИРМОНГА БАРАКА!

ЯХШИ НИЯТ — ЁРТИ МОЛ



НОН ТАЪМИ

Узоқ йиллар фақат шолчи етиштириш билан шугулландик. Яқказроқликка барҳам бериш ва алмашлаб экинчи жорий қилиш зарурати шароитимиз учун экин турини таллашни тақозо этарди. Ниход пахта экинга келишди. Бунда ниҳазларимизнинг қўчилиги илгари пахтачиликда ишлашгани ҳисобга олинди. Ҳозир 1436 гектар майдонда шолчи, 960 гектар ерда эса ғўза парваришланмоқда. Бултур шолчиликнинг ҳар гектаридан 2.893 сўм, пахтазордан эса 3.067 сўм даромад келди.

Вазият мижбур қилади, ҳаёт ўргатади, деб бекини айтмишкан. Бир пайтлар дошчиликка ихтисослаштирилиб тузилган хўжалигимизда буғун 60 гектар мевалик бор ва тоқсор бор. Бутун вилоятда боғ-роғлар қратиб ташаббуси бошланганда биз қараб турармидик? Йўқ, албатта.

Бултур кузда яна бир хайрли ишга қўл урди. 14 гектар майдонга буғдой экилди. Бунинг одамларимиз қизгин маъзуллашди. Уларнинг истакларини янабонга олиб, қўшиқча томоғига эришга буғдой экинга ҳар томонлама қўмақлашдик. Техника ажратилди, уруғини текшириб берилди. Шундай қилиб яна буғдойлар, 52 гектарга эгди. Қўшиқча томоғида буғдой 364 тоннадан 309 нафарни шу экинни эгди. Айни пайтда ўрми-йилми тугаллашмоқда. Бунағча ерда экинчи марта деҳқончилик қилинади. Уларда сабабот, воқис маҳсулотлари етиштириш, ем-хашак экинлари экиш мумкин.

Хўжалигимизда 4161 киши ишлайди. Шундан 2126 нафарни ўз худудимизда ашайди. Қерда истиқомат қилишдан қатъий назар, ҳар бир ичимизни тўғ турмуш билан таъминлашга жавобгаримиз. Бизга ҳар йил 516 тонна ун берилди. Гектаридан 25—30 центнердан буғдой ҳосили олиниши, унинг 70 фоизи ун қилинишини э-тиборда тутасан ўз аҳолини учун атиги 300 гектар майдонга буғдой экиш мумкин. Менинча, бошқа жойларда ҳам иш шундай йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади. Жамоа ва давлат хўжалиқлари донин шартиномаси асосида қайта ишлашга, аҳолига сотишга ёки меҳнат ҳақи тарзида беришга ун таъминотида узилиш бўлмасди. Муҳими, чыққан камарди.

Яна бир яхши жиҳати шунки, узоқдан ташилганда ғалла-нинг сифати маълум даражада бузилади. Бу ун ва ун маҳсулотларига ҳам таъсир қилади. Экологияси мураккаблашган бизнинг шароитда аҳоли тўғимли ва мазади, тоза ун маҳсулотларига муҳтож. Олимларнинг фикрича, нисон ўзи ашаб турган замин неъматларидан баҳраманд бўлса бу унинг соғлиги учун фойдали экан. Бинобарин, жумҳуриятимиз Президентининг «Республика қиллоқ аҳолисини овнат учун дон (буғдой) билан таъминлашга донор қўшиқча тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида аҳамиятга молик. Унда кишлоқ оғаларига белгиланган майдонда буғдой ажратилишини таъминлаш, шахсий ёрдамчи хўжалиқларда ғалла етиштиришни рағбатлантириш юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатилган.

Хўжалигимизнинг тажрибали деҳқонларидан бири — бригадани бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати, СССР давлат мукофотининг совридор Қодир Оллаберганов ўз жамоасида 11,5 гектарга буғдой экиётганда шундай деганди: «Пахтамиз бор, кийинсак ярашадим, шолчимиз бор, меҳмонга сийлов деб палов пинирамиз. Мана энди нон учун буғдой экинчимиз». Бу гаплар замирида катта маъно муҳасам. Укутилган тегиримонлар яна айланиб, ҳиди етти маҳаллани тутадиган бўрсиндик, таъмили нонлар кўпайса ажаб эмас.

О. ТОҶИЕВ,
Борот районидagi «Борот» давлат хўжалигининг бош ҳисобчиси.

ДАЛАЛАР НАФАСИ

ҒИЖДУВОН

«Коммунизм» жамоа хўжалигининг Саъдулла Тешабоев бошлиқ бригадаси пахтазорлари амалдаги йилда ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил олиш ниҳазинида меҳнат қилишга тий. Айни дамда заршунослар ғўза парваришини авж олдиришмоқда. Механизатор Убайдулла Қўдошев кунига 5—6 гектар ердаги ниҳолларни агротехника қондалари асосида сифатли юмшатмоқда.

Қ. Шарипов.

ДЕНОВ

«Хазорбоғ» давлат хўжалиги заршунослари 3 минг гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Меҳнат аҳли гектарлар ҳосилдорлигини 34 центнерга етказиб, давлатга 10 минг тоннадан зиёд хом ашё сотиш ниҳазинида жиёлов урмасдалар. Далаларда 55

чоқиқ трактори унум билан ишлатилаётган. Улар ердамида кунига 400—450 гектар майдондаги ғўзалар бугун юмшатилаётган. Бунда Жўра Турсоатов, Бозор Наримов, Рашид Эрденов каби механизаторлар фаол.

Т. Шарипов.

АМУДАРЕ

Ражаб ака Шомуродов — нафақат «Коммунизм» жамоа хўжалигида, балки Амударё райониди ҳам илгор пахтазорлардан бири. У сарқорлик қилаётган бригадани заршунослари қисқа муддатда табиий офат оқибатларини бартараф этишди. Ҳозир уруғ тақор тушган майдонларда ғўза қатор ерларига ишлов бериш, ятаналаш ва бегона ўтдан тозалаш юмшлари авж олдириб юборилган.

Х. Отамурадov.

ЎРИМ ҚИЗҒИН

Нисон райони ғаллакорлари бу йилги қўшма мураккаб келганига қарамадан яхши ҳосил етиштиришди. Мавжуд 6485 гектар майдондаги арпа ва буғдой ҳосили кўзни қувонтиради. Район Кенгаши ишлаб чиққан тадбирларда ўрми-йилми 20 иш кунинда муваффақиятли тугаллаш режалаштирилган. Айни кезларда ғаллазорларда бу иш қизғин олиб бориляпти. 87 та комбайн тўғтовсиз ишлатилиб, юксак унумдорликка эришишга ҳаракат қилинмоқда. Хўжалиқларда 16 та отряд самарали фаолият кўрсатмоқда.

«Нисон», «Пахтаобод», «Дўстлик», Чўли Бегимқул номи, «Чароғил» давлат хўжалиқларида айниқса ҳосил чўи баланд, — дейди район деҳқончилиги-саноат ширкати бирлашмаси раисининг ўринбосари Қурбон Оллаёров. — Нарх-наво қимматлашган, бозор иқтисодиётига ўтилган ҳозирги шароитда уни ноубуд қилмай сарамжонлаб олиш мумкин. Ғаллакорларимиз ана шу масъулиятини чуқур ҳис этиб ишламоқдалар.

Белгиланган тадбирларда мавсумни тез ва соз ўтказиш кўзда тутилган. Унга кўра ўрми-йилмида қўшаётганлар меҳнатига муносиб ҳақ тўланмоқда, ўзаро беллашув қилиниб, илгорлар вақтида рағбатлантириб бориляпти.

«Дўстлик» давлат хўжалигида 409 гектар майдонда ғалла етиштирилади. Ҳосил бўлиқ бўлишида Дўстмурод Нафасов бошқарувчилик қилаётган бўлим деҳқонларининг ҳиссалари катта. Шу кезларда ўрми уюшқонлик билан ташкил этилиб, юқори суръатда давом эттириляпти. Бу ерда ҳар бир комбайннинг унумли фойдаланиляпти. Янчилган дон хирмонга, сомон эса чорвачилик фермасига пешма-пеш жўнатиляпти. Уларни ташинга старичка техника ва ишчи кучи ажратилган. Мавсум иштроқчиларига даланинг ўзида зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Ошшаз Шоназар Нурматов тайёрлаётган мазали таомлар ғаллакорларга манзур бўляпти. Тўртта ўрми комбайни бирлаштирилган отряд кунига 20—25 гектар майдондаги ҳосили янгиштирмоқда. Бухор Бойназаров, Рўзи Қалқонов, Эшбой Қувонув, Мойли Абраев каби механизаторлар ҳамкасбларига ўрми кўрсатишяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. «Дўстлик» давлат хўжалигининг ғаллачилик бўлими бошқарувчиси Дўстмурод Нафасов ҳосил чўидагидан мавсуми. 2. Ўрми пайти. 3. Моҳир комбайнчи Бухор Бойназаров.

Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.

ТЕЗ ВА СОЗ

Қизилтепа райониди бу йил 945 гектар майдонда мўл ғалла ҳосили етиштирилди. Хўжалиқлардаги мавжуд 26 та ўрми комбайни шу кунларда тўғтовсиз ишлатилмоқда. Мавсумини Навоий номи жамоа хўжалиги, «Ўртақўл олдун» давлат хўжалиги, қорамолларни парваришлаш хўжалиқларидан пункти механизаторлари биринчилардан бўлиб бошлашган. Улар ўрми-йилми ноубудгарчиликсиз, тез ва соз ўтказиш пайтида бўлишяпти.

Пункт ғаллакорлари 20 гектар майдонда арпа, 10 гектарда буғдой ҳосили етиштиришди. Азаматлар Маликчўи даштидан ўзлаштирилган, унча унумли бўлмаган ерда деҳқончилик қилмоқдалар. Жорий йилда гектаридан 16 центнер ўрнига 22 центнердан дон сарамжонлаш мўлжалланган.

Бултурги ғалла ҳосилидан корхонамида ишловчи 60 дан зиёд кишига 20 тонна арпа, 10 тонна буғдойни нақд пулга сотганиди, — дейди пункт мудири М. Сафаров. — Жумҳурият Президентининг яқинда чиқарган фармони биз тутган йўлининг тўғрилигини кўрсатди.

Жарқўрғон райониди «Коммунизм» жамоа хўжалиги раҳбарияти нарх-наво қимматлашган ва бозор иқтисодиёти шароитида ғаллазорларни кенгайтиришга қарор қилганди. 205 гектар ерда арпа ва буғдой экилиб, мўл ҳосил етиштирилди. Айниқса, Жайронхона даҳасида экинларнинг бўлиқлиги кўзни қувонтиради. Хўжаликда даставвал ана шу ерда буғдойзорларга комбайнлар кириштирилди. Механизаторларга марказий ус-

тахона мудири Нурали Хуррамов раҳбарлик қилмоқда.

«Ҳамма ҳосилини қисқа муддат ичнда, ноубудгарчиликсиз саранжомлаб оламиз!» — Мавсум иштроқчиларининг қарори шундай. Фарҳод Олламурадov, Жўра Олимov, Эшдавлат Субхонov каби комбайнчилар ўз машиналарини тўғтовсиз ишлатиб юқори меҳнат унумдорлигига эришяптилар. Янчилган ғалла хирмонга, сомон эса прессидаги фермага жўнатиляпти. Уларни ташинида Ашур Хуррамов, Норбой Эшмуродов сингари тракторчилар ғайрат кўрсатишяпти.

Жайронхонадаги ғаллазорларда Ҳайиб Холиёров бошлиқ бригада аъзолари астойдил меҳнат қилмоқдалар. Дастлабки ҳисоб-китоблар ҳосилдорлик режада белгиланганидан зиёд бўлишини кўрсатмоқда. Миришкорлар гектаридан 25 центнердан хирмон кўтаришини, жами 516 тонна дон тайёрлашни мўлжаллашганди. Эндиликда ҳосилдорлигини гектар бошига 40 центнерга етказиш мумкинлиги айёнича.

Р. ЧОРИЕВ.

Мутахассис маслаҳати

ЗАРАРКУНАНДАДАН ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Шу кунларда жумҳуриятимизда ғалла ўрми-йилми қизғин олиб бориляпти. Қўшланган мақсад ҳосилини ўз вақтида, нес-ноубуд қилмасдан янгиштириб олишдир. Айни пайтда дон миқдорини ва сифатига зарар етказмаслик чораларини кўриш ҳам муҳим ҳисобланади. Маълумки, далалар келтирилган ғалла бир неча оғлаб, омборларда сақланади. Ана шу даврда унга турли зарарли ҳашаротлар, айниқса миталар тушиб, маълум миқдорига шикаст етказилади. Натияжадан ундан тайёрланган озиқ-овқат мазаси бузилади, уруғлиги эса экин учун яроқсиз бўлиб қолади. Кейинги йилларда бизнинг илм-

асосий вазифалардан биридир. Дориллаш ишларини омборлар, ёрдамчи хоналар ва теварак-атрофда бир йўла амалга оширган маълум.

Текширишлар кўрсатишча, айрим хўжалиқларда ҳатто профилактик ишлов олиб бориляпти, қўпчилигида эса бунинг учун эски кимёвий дорилардан фойдаланиляпти. Эслатиш ўринлики, ҳозир дорилар учун 20 дан ортиқ самарали дориларни ишлатишга руҳсат берилган. Омборларда зарарли ҳашаротларга қарши карбофос, актеллик, децис, сумицидин, амбуш, рипкорд каби дориларнинг қўлланилиши мумкин. Улардан тайёрланган эритмаларни омборларнинг ички ва ташқи томонларига ахшиллаб пурнаш керак.

Н. МАХМУДУХҲАЕВ, Ўрта Осиё ўсимликларини ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот илмгоҳининг лаборатория мудири, биология фанлари доктори.

(ТАСС).

Президентлар мактуб йўллашди

Жорж Буш 10 июнь кунги М. С. Горбачева мактуб йўллаб, кишлоқ хўжалик маҳсулотини хариш қилиш учун Совет Иттифоқида 1,5

миллиард сўм қўшимча қара беришга қарор қилганини билдириб бу қара совет раҳбарияти ўтказишган ислоҳотларга қўмақлашгани до- зим, деб таъкидлаган эди. М. С. Горбачев жавоб мактубида бу тадбирни юқори баҳолаб, ун Совет Иттифоқи билан Америка

Ғани уч-тўрт йил илгари бўлган воқеадан бошламоқчиман. Пахта яқнақоқимлиги авжга чиққан палла эди. Жамоа хўжалиги бошқаруви кенгаши билан маслаҳатлашган, 16 кишига пахта майдонларидан томоғча учун ер, баъзиларга озроқ ем-хашак бердик.

Кўп ўтмай хўжаликда теншир-текишир бошланди, йилларда мени «Ўзбосишча» деб таъкид қилишарди. Райкомда партия билетининг топширасан деб даъво беришди. Хўллас, мени олдин партиядан чиқарилган, кейин вазирамдан оладиган бўлишди...

Жамоа хўжалигида катта-кичик ойиқ туриб, одамлар жонинга оро киришди. Қўрракка эри швабдаси теккан ҳозирги паллада гоҳо шуларни эслаймиз.

Бугун деҳқоннинг эрки қўлида. Уруғ танлашдан тортиб ҳосил йилми-терими-гача бўлган барча юмшларни деҳқон хоҳиш билан адо этади. Бултур ҳар гектар ердан 31,5 центнердан хирмон кўтариб, режани 103,7 фоизга утдиладик. Қозонда бўлса, чўшичга чиқадик. Айрим бригадалар бир сўмга қўшимча, бир сўмдан пул олди. Рўзгорга кут-барак кирди. Жамоа хўжалиги пахтачиликдан салкам 2 миллион сўм даромад қилди.

Бу йил ҳам ер шароити, тупроқ таркиби, илмийни ҳисобга олиб, «Қирғиз-3» навини талладик. Унинг толаси саноатбор, ўзи эрталашар, вилта чидамли, энг муҳими, тош босади. Жорий йилда 553 гектар майдонга чинг қаладик. Яхши ниҳат — ўрми мол. Гектар бошига 28,9 центнердан, ҳаммаси бўлиб 1600 тонна пахта етиштирмоқчимиз.

Еримиз вилоят маркази — Андижон шаҳри билан туташ. Ҳар қарчи ҳисобда. Ўтган йили Президент фармонида асосан 95 гектар ер колхозчиларга томоғча учун берилди. Шу ҳисобга бу йил пахта етиштириш 270 тоннага камайди.

Унинг чўғини қоплаш учун ҳосилдорлигини ошириш тадбирини қурайлик. Ваҳор серегини келди. Еринг табиий нағма чингитини бир текис ундириб олдим. Бироқ кечиги чингитни қулоғидан тортиб ер бетига чиқарган намтарчилик бугун ўзинг ривожига тўғаноқ бўла бошладик. Чўғини ёғин микдорини маромидан ортиқ. Илди чирши касали хавфи туғилди. Тажрибанор деҳқонлар, мутахассислар ердамга келди. Қўшунвағияга зўр бердик. Ғўза қатор оралигига ишловни қучайтириш, шу йўл билан экин ривожини тезлаштиришга эътибор қаратдик. 10 та чопиқ трактори тўла қувват билан ишлатилляпти. Ҳар бир туп ғўзани авайлаб-асраб парваришляймиз. Механизаторлардан Ганижон Йўлдошев, Абдуфатто Норматов, Ашурли Болтабоев қатор оралигига сифатли ишлов беришда ўрми кўрсатишяптилар.

Шу кеча-кундузда ғўзани барави ривожлантира билган, илдиғига ҳарорат берган, тўлиқ гектарлар яратган деҳқон кузда муродига етади. Тешабой Ҳошимов, Пулатхон Мадвалиева, Пулдошхон Мамасиддиқова бошлиқ бригадаларда агротехник тадбирлар омилкорлик билан ўтказилляпти. Яғнадан чиққан ғўзалар кунда бир ялпаноқда. Гектариди ҳозир 90—95 мингтадан соғлом қўчат бор. Бегона ўт тағ-томори билан қўриқилмоқда. Қатор оралигига ишлов озиқлантириш билан қўшиб олиб бориляпти.

Ғўза — деҳқон меҳнатининг меваси. Бу йилги шароитда кетмон чопининг ҳосилини ўзгача. Қатор оралигига чўкур кетмон чопини ўтказилганда ниҳолларнинг ости шамоллаб, қуёш нуриндан кўроқ бахра олади. Натияжада ўсимликнинг амал олмиши жадаллашади. Ҳозиргача пайкаларда б бир марта кетмон чопини ўтказдик. Ҳосил тўплаш ойда ғўзаларни яна бир марта кетмон чопиндан чиқариш режалаштирганмиз. Ҳозир кунига 60—70 гектар ердаги ғўза қатор оралигига ишлов бериляпти, 80—100 гектар ерининг ғўзаси маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириляпти. Бундай агротехник тадбирларнинг самараси катта, ғўзалар дуркун ўсмонда.

Улуғ бобомиз Алишер Навоий бир пайшга оламда етказма зарар, деганлар. Наботот оламни кўз қарачиқдек сақлаш деҳқонларимиз учун ҳам қар, ҳам фарз. Сабаб, деҳқон — она табиият фарзанди. Атроф-муҳит мусоффо бўлса, эл-юртга соғлиқ, ҳосилга кут-барак кирди. Шуларни ўйлаб бир неча йилдан буён зараркунанда ҳашаротларга қарши кимёвий дориларни қўлламай қўйганмиз. Биологик усул бизга нўл келмоқда. У арзон ва қулай. Иқсиса, деқонбор. Энтомолог-агроном Шодмонбек Ҳанимов ғайрат билан ишламоқда. Мавжуд 11 та бригаданинг ҳаммасида кузатувчилар фаолият кўрсатишяпти.

Ғанинғ лўдаси — пахтачиликка меҳр қўйганмиз. Бунинг боиси бор. Жамоа хўжалигимиз аҳолининг ризиқ-рўзи, хонадонларимиз ободончилиги пахтадан кўтарилляпти, десам лўф эмас. Пахтачиликни раванқ топса даромадимиз қўлади, турмушимиз чирой очади. Айни кунларда меҳнат фойдаланишга хўжалик ҳисобидан ойна 11 минг сўмдан зиёд нағна пули бериляпти. Ободончилик ишлари ҳам нағна тушди. Илмига 2 миллион донга зиёд ишлаб чиқарилган вазот қўриб олдим. 90 ўриқли боллар бочаси, мактаб учун қўшимча синфхоналар барпо этилди. Меҳнат жами бойликлар онаси деганлари шундай! Ҳа, ишларга тишлайдиган замон келди.

И. АКРОМОВ,
Олтинқўл райониди «1 Май» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Телекўрсату ва радиотелерашириш ривожлантиришга, почта алоқаси кизматининг сифатини яхшилашга шахсан қўшган катта ҳиссалари ва юксак меҳнат унумдорлигига эришганликлари учун қуйидагилар мукофотланган:

ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН
Халимов Юрий Петрович — Бухоро вилоят радио-телекўрсату узаши марказининг бошлиғи.

II ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН
Раҳимов Омон Ҳидоятovich — Бухоро шаҳар телефон тармоғининг кабелчи-каварчиши.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН
Алиев Тўлаов Султонович — Тошкент шаҳар почта алоқаси ва мавбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори.

Ашуров Тўхтамыш Жумевич — Бухоро вилоят радио-телекўрсату узаши маркази ишлаб чиқариш лабораториясининг катта муҳандиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КўРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН
Сектимова Лилия Александровна — Тошкент шаҳар почта алоқаси ва мавбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг участка бошлиғи.

Совет Социалистик Республикаларнинг Президентининг
М. ГОРБАЧЕВ,
Москва, Кремль,
1991 йил 14 июнь.

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ ИШ ТАРТИБИНИНГ ЛОЙИХАСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бош 3-бетда).

мумкинлиги ҳам назарда тутилган. Олий Кенгашнинг қарорига кўра ўта муҳим қонунларнинг лойиҳалари умумхалқ овоз бериш (референдумга) қўйиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Иш тартибининг лойиҳасида Ўзбекистон ССР вице-президенти, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш, Конституциявий назорат қўмитасини, Олий суд тартибини, Халқ назорати қўмитасининг раисини, вилоят ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини сайлаш, шунингдек Ўзбекистон ССР прокурорини ҳамда унинг ўринбосарларини, бош давлат ҳақами ва табиғий муҳофаз қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш билан боғлиқ бўлган масалалар аниқ ёритиб берилган.

Иш тартибининг айрим бўлиmlари Ўзбекистон ССР давлат бюджетини ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларини, таъши сийсий муаммоларни қараб чиқиш, назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш масалаларига бағишланган.

Лойиҳанинг махсус моддаси Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сўровини қиритиш ҳамда уларни қараб чиқишни тартибга солишга бағишланган.

Умуман олганда тақдиф этилаётган Ўзбекистон ССР Олий Советининг иш тартиби лойиҳаси Олий Кенгаш самарали ишлашини таъминлайди. Республика давлат ҳокимияти олий органининг иш тартиби, табиғий, бу ҳужжатга айрим тугатишлар киритилишини тақозо этади. У мунтазам лигилашиб бола-дан бола тақдирини қиритиш керак. Шу сабабли

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУКУМАТИ ТАБИЙ ОФАТЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЮЗАСИДАН КЎРАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ахбороти

Хурматли депутат ўртоқлар! Бу йил кўклар ноқулай келганини сезлар яхши биласизлар. Деҳқонларимиз айниқса ташвиш тортилар. Май ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида бир қатор вилоятларда қаттиқ жала, сел ёққанлиги, сув тошқинлари натижасида қишлоқ хўжалигида катта моддий зарар етказилди.

Табиий офат Қорақалпоғистон, Хоразм, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари хўжаликларидан экинлар, уй-жойлар, сув иншоотлари ва бошқа объектларни ноқуд қилди.

Бу вилоятларда 973 минг гектар экин майдони, шу жумладан 750 минг гектар ғўза, 28 минг гектар сабабот, 20 минг гектар полиз экинлари, шунингдек бир неча ўн минг гектар гаёла, беда, маккажўхори майдони ҳамда боғлар, узумзорлар зарарланди.

Табиий офатдан зарар кўрган экин майдонларида 10 фондан 30 фоизгача ҳосил йўқотилиши мумкин. Боғ ва узумзорларда ҳосилнинг 20-25 фоиз ноқуд бўлган.

Қаттиқ шомол ва сув тошқини оқибатида 21 мингдан кўп уй-жой, 100 дан ортиқ мантаб ва болалар боғчаси, 250 километр автомобил йўллари, 200 километрдан кўпроқ сугориш шоҳобчаси ва 113 кўприк ишдан чиқди.

Бир қанча шаҳарлар, қишлоқларда уй-жойлар, сув иншоотлари, чорвачилик фермалари, йўллар, кўприklar ва бошқа объектларга 300 миллион сўмдан зиёд зарар етказилди.

Кейинги бир неча йил ичида бизнинг қишлоқ хўжалигимиз табиий офатдан шу қадар катта зарар кўрмаган эди.

Ўзбекистон ССР Президент Ислам Абдуғаниевич Каримов, жумҳурият ҳуку-

мати табиий офат оқибатларини тезда тугатиш учун шоянчилик чоралар кўрдилар. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш учун ҳукумат махсус комиссия ташдиқлаш, таъши сийсий муаммоларни қараб чиқиш, назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш масалаларига бағишланган.

Бу комиссия халқ хўжалиги раҳбарлари, мутахассислар, меҳнат коллективлари ёрдамида табиий офат оқибатларини аниқлаш, вайрон бўлган уй-жойларни тиклаш, қурилиш ишлари билан шуғулланди.

Негизли миқдорда меҳнат ресурслари, техника, транспорт сафарбар этилди.

Аҳолини озиқ-овқат ва энг зарур моллар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Ҳеч ким ёрдамсиз қолдирилмади. Зарар кўрган ҳар бир оиллага Президент И. А. Каримов фармонида мувофиқ 300 сўмдан пул берилди.

Мана шундан оғир шароитда Ўзбекистон ҳукумати ССР ҳукумати олдида табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича қийин талаблар қўйди. Мамлакат раҳбарлари бу талабларни ижобий ҳал этишни алоҳида кўрсатиб ўтганимиз керак.

Бош вазир Валентин Павлов 22-25 майда Ўзбекистонда бўлди. У жала ва тошқиндан зарар кўрган бир қатор вилоятларга сафар қилди. Нукус ва Урганчда, совет ва хўжалик активларини йиғилишларида қатнашди.

Мамлакат Бош вазири бизга кўрсатилган ердан дастурини, табиий офат оқибатида қурилган зарар ўрни тўлдириш режаларини Ўзбекистон Президентини ҳамда жумҳурият ҳукумати аъзолари билан бирлигида кўриб чиқди.

Мамлакат ҳукумати табиий офат оқибатларини тугатишда ёрдам кўрсатиш масаласини шу йил 31 майда муҳомама этиш ва махсус қарор қабул қилди.

Ўзбекистонда юз берган табиий офат оқибатларини

теозқ тугатишда хўжаликлар, корхоналар ва ташиқлотларга, шунингдек, аҳолига ёрдам кўрсатиш учун ССР Вазирлар Маҳкамаси жумҳуриятимизга 1991 йилда қўшимча равишда катта маблағ ажратди.

Ишлаб чиқариш объектларини қайта тиклаш ва янгиларини қуриш учун 360 миллион сўм капитал маблағ ажратди. Бу маблағлар ана шу ишларни бажаришга тўла етади.

Бувиан ташиқари табиий офатдан зарар кўрган объектларда ремонт-қайта тиклаш ишларини олиб бориш учун 80 миллион сўм. Табиий офатдан зарар кўрган аҳолига пул нафақалари тўлашга 51 миллион сўм.

Иморатлар вайрон бўлганлиги учун аҳолига сугурта тўлови беришга 100 миллион сўм ажратилди.

Экинларни қайта экишга қилинадиган харажатларро сугурта эҳтиёжи фонди ҳисобидан қайтариб берилмайдиган 100 миллион сўм ажратилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон сугурта бошқарувининг 110 миллион сўмлик қарзидан кечигша рухсат этилди.

Табиий офат оқибатларини тугатиш борасидаги ишлар бажариш учун 1991 йилда қўшимча равишда моддий-техника ресурслари ва озиқ-овқат моллари, бинокорлик материаллари ва табиий офатдан зарар кўрган вилоятларнинг аҳолисига сотиш учун қўшимча равишда халқ истеъмолий моллари ажратилди.

Мана шу ажратилган пул маблағлари, моддий ресурслар ҳамда материаллар табиий офат келтирган зарарини қоплашга етади. Бу ерда гап қайта экилган майдонлардан экинларга ишлов бериш, тиклаш ишларини пайсалга солмаслик, ажратилган пул маблағлари,

ри сўзалиги билан сизни мафтун этади. Тоша йўлдан ичкарига қадан кўр экансиз, леворларда осирлик «Ота-оналар бурчиги», «Эртақлар олами», «Ватансиз посбонлари», «Рус тили — дўст тили» каби ўнга яқин стэнд ва леворий газеталарга, катта-кичик суратларга кўзингиз ташади. Буларнинг бари боғчада тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилганлигидан далолат. Барча қўлайликларга эга бўлган бу боғчада Хўсия Тилибова, Шарофат Махмудова, Мўмина Аҳмедова сингари ўрта махсус мътълу-



ОРЗУ ЧАШМА КАНОТИДА

СПОРТ

КУРАШ

Даврон Султон 1966 йилда Қашқадарё вилояти, Ульянов районининг Маймаоқ қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Қарши политехникумида ўқиди. Сўнгра Совет Армияси сафида хизмат қилди. Айни пайтда ўз қишлоғидаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилмоқда. Жумҳурият ёш ижодкорлари VI семинарининг қатнашчиси Даврон Тошкент давлат дорилфунунида сиртдан таҳсил кўрапти.

Вақтида гуллаш ҳам, ахир, катта бахт. Ларзон-ларзон мева тугар эртага, Мева тукани-чун уни савалаб, Одамозет ачинади унга юраги, Уйига саватлаб ташир мевалар. Ана, боғ тўрида куз ўғир хужм, Тилла яроқ ҳазон бўлмоғи керак. Табиат ҳужмига шак келтирмай, жим Заминга тўкилар гўёки юрак.

ЯЛДО КЕЧАСИ

Ойни ўпа-ўпа тўймас ташна кўз, Бўсадан бадан жимирлаб ой — қиз, Бутут панасидан мўралар ойни, Ялдо кечаси бу, ялдо кечаси. Боғ қўйида ухлар чарчаган сўқмоқ, Фалақда юлдузлар учар аргимчоқ, Осмон кўн судай ёришар ошноқ, Ялдо кечаси бу, ялдо кечаси. Ширин ўйлар сурар тўхтаб қолган вақт, Шохда ёлғиз кўш ўтирар небахт, Ялдо кечаси бу, ялдо кечаси. Кўзим хонасига жо бўлган Ватан, Ёришар кечиккан тоғ ҳам дафъатан, Тонгги насим эсар, жунишкар бадан, Ялдо кечаси бу, ялдо кечаси.

ДЕҲҚОНИМ

Сумбул сочин ёйиб ётар бир қишлоқ, Сийналар кўчиган ер — қишдай, оҳ, Бош устига ангашади улкан тоғ, Қип-қизилар ёнар уфқ ёноғи. Оқшом тоғдан қайтар кўю қўнлар, Деҳқон ерни туш қўргали қўнлар, Юлдуз чикмай, кўш уйқўн булар, Тонг отмасдан учар уйда чироғи, Елкасида ота мерос — негизини, Саҳар жўнар дала томон деҳқоним, Жўнларда умри оқдан инсоним, Қўлларининг сийла қўли қадоним, Оёғининг узат, бирас ором ол, «Муножат»га кел, тебраниб кўлоқ сол, Ердан бошиг кўтармайсан, бу не ҳол, Ердан униб чиқариндиган, қароғим? Ватан меҳри кечисиз қаблағоғиндир, Уғил-қизлар офтоб ҳамда

ДАРАХТ УМРИ

Жамики кўқарган қуртақ, дов-дарахт, Гулладимиз, демак, барг ёзмоғи шарт, Тиркилик дегани фақат ҳаракат.

ДИЛ САДОСИ

Қардор ҳам йўқ бўғин, Дил ярасини қирқ ноғдан қирқ қонилик болмас, Чошим гўрғини узра бир томчи нол йўқ бўғин, Ранж қилсикан дийдавининг тўрт девори йилданга, Вайрон ётган қулбағи

ЎЗ ЭРИНИ КЎРИШГА

Олов қизим тўмариз, Широк болам йўқ бўғин, Қичқир, юрак, тонг вақти садонг етсин қўбша, — Санга қордан қўғоз-у, қошдан қалам йўқ бўғин.

Даврон СУЛТОН.



Яхши куй ва қўшиқ, жозибали рақс инсонга қамиша қанот бағишлайди. Унинг кайфиятини кўтариб, унулим меҳнат руҳлантиради. Бунга қалбдан ҳуқур ҳис этган Қува районидида «Анор» ашула ва рақс халқ дастаси жамоаси тез-тез дала меҳнаткашлари, чорвадору

қурувчилар ҳузурда бўлиб, дилларини шод қилмоқда. СУРАТДА: дастанинг жонқуярлари-дан бири Абдураҳим Абдуваҳобов дала шийлонда ўтказилгандаги уррашув олдидан рақоса ва хонадалар билан суҳбатлашмоқда. У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

Айни кунларда СССР халқлари спартакиадаи мусобақалари қизгин тус олмақда. Спортнинг бир неча турлари бўйича давом этаётган бешлашуларда иштирокчилар бор маҳоратларини намойиш этиб, совриндорлар сафидан ўзини ағаллашга ҳаракат қилмоқдалар.

Запорожье шахридаги эркин курашчилар бешлашуви ҳам мутахассис мухлисларда яхши таассурот қолдираётди. Дастлабки чиқишларда В. Торузов, А. Атаев (52 килограммга), С. Смайл, В. Умархонов (57), К. Омуралиев (68), Э. Жабралов, А. Савко, К. Карапетян (82) иройли кураш усулларини кўрсатдилар.

Мусобақа давомида кутилмаган натижалар ҳам қайд этилмоқда. Масалан, таллинлик Томингас (90 килограммга вазида) Европа чемпиони Назибоевнинг мағлубиятга учратди. Москвалик Перфильев тажрибали половец Абдураҳмоновни доғда қолдирди.

СУЗИШ

Москвада спартакиада-нинг сузиш мусобақалари ўтказилаётди. Туртинчи кун яна бир неча масофаларда голибар аниқланди. 400 метр эркалар ўртасида ўтказилган эркин сузишда волгоградлик Е. Саловий марра чизинга биринчи бўлиб етиб келиб, олтин медалини қўлга киритди.

Аёллар ўртасида 100 метрга баттерфляй усулида сузишда майдон ағалари вакили Е. Кононенко голиб чиқди. 200 метрга брасс усулида сузишда темиртаулик А. Савицкий энг яхши натижа кўрсатди.

БАСКЕТБОЛ

Тель-Авивда хотин-қизлар ўртасида Европа биринчилиги ўтказилаётди. «В» гуруҳида қатнашаётган СССР терма жамоаси иккинчи учрашууда югославиялик спортчиларга 74:75 ҳисобда ютказилди. Италиялик баскетболчилар Польша терма жамоасини мағлубиятга (70:51) учратдилар.

Бошқа учрашулар натижаси: Болгария — Чехословакия — 72:66, Венгрия — Исроил — 74:62. Бу жамоалар «А» гуруҳида қатнашмоқдалар.

Францияда эркалар жамоалари ўртасида халқаро мусобақа бошланди. Мамалякатимиз баскетболчилари илк учрашууда Югославия спортчиларидан мағлубиятга (69:100) учрашди. Болгарияликлар францияликлардан устуи келдилар — 93:81.

ҚУЛ ТУПИ

СССР терма жамоаси Франция бўйлаб ўтказган сафар учрашуларини якунлади. Вакилларимиз илк учрашууда Франция терма жамоасига 28:29 ҳисобда ютказилди. Иккинчи ўйинда дурағн натижа қайд этилди. Сўнги учрашууда совет спортчиларининг қўли боланд келди — 30:22.

ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионатининг биринчи гуруҳида ягона учрашуу бўлиб ўтди. Унда Черновиц шаҳрининг «Буковина» жамоаси «Факел» (Воронеж) футболчиларини қалб қилди. Қизилқил ўтган учрашуу тақдирини майдон ағалари томонидан қиритилган ягона тўп ҳал этди.

Кеча биринчи гуруҳда навабдаги тур учрашувлар ўтказилди. «Навбахор» Ростова маҳаллий «Ростсельмаш», «Нефтчи» эса Краснодарда «Кубань» жамоаси билан учрашди.

Муҳаррир Н. ВКУБОВ.

ЖАЖЖИЛАР ҚУВОНЧИ

Еш авлод дунёқарашини шакллантиришда мактабгача тарбия муассасалари муҳим роль ўйнайди. Пешку районда 40 дан ортиқ шундай маскан бор.

Дилором Жўраева муди-рлик қилаётган «Навбахор» боғча-яқисни энг ибратлик тарбия ўчоқларидан бири ҳисобланади. Чунки, замонавий техник воситалар, кўр-

газмали кўроллар билан жиҳозланган бу маскан район халқ таълими бўлими болалар боғчаларига ўтказган «Бахтли болалик», «Ёшлар-кечажаминиз» каби кўрин-танловларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни ағаллаган.

Олди гулабор бу боғчага қайси пайт таширф бурюманг, у саронжом-сарипталиги, тарбиячиларининг ши-

бот кишилар ишларини керак. Тарбиячимиз Флора Бадирова ана шундай олижаноб одамлар тоғасиди. Унинг ҳавас қилса арзғундек, бошқаларга ибрат бўлгудек хислатлари кўп. Мўҳими у ишини, болаларни жон-дилидан яхши кўради. Шунинг учун ҳам у раҳбарлик қилаётган гуруҳда тарбиявий ишлар намунали йўлга қўйилган.

Шунингдек, райондаги «Гуллола», «Қамалак», «Гунча» болалар боғчаларининг фаоллигидан ҳам барча ота-оналар мамнун.

Р. АСЛОНОВ.

ХАНДА

БЕПУЛ ХИЗМАТ

— Алло, бу Давлат хавфсизлиги қўмитаси!

— Худди шундай.

— Хаймовичлар ўтивлари нчига олтин яширғандаридан хабарингиз борми?

— Айтинг-чи, ким гапиряпти?

— Бир ҳайрихоқ одам.

...Эртиси кун Хаймович Абрамовични учратди:

— Сен баҳсада ютдинг дўстим, — деди у. — Улар келяпти, ҳамма ўтивларини

ЮЗМАТ ЮЗАСИДАН

Ўқитувчи: Болалар, доскадан «Хўниз билан ситир ўтказмоқда» жумласида қандай хато бор?

Ўқувчилар: — Хўрмат юзасидан, итуаллима, ситир олдинда юриши керак-ку!

Тўпловчи Б. МАМАТҚУЛОВ.

Ойнан жаҳонда

8.00 «Азборот».

8.25 «Соғлом бўлай десангиз».

8.35 «Саҳран тун». Бадий фильм («Грузин-фильм»).

10.00 «Ёшлик» студияси савол-ларинингга жавоб беради.

17.50 Янгиликлар.

18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пактор» — «Метеллург» (Запорожье). «Пактор» Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Азборот» (рус тилида).

19.50 «Замондош билан учра-

18.20 «Аралеш-қуралеш». Кино-кўрсатув.

19.00 «Пульс». Хабарлар.

19.10 Кичик концерт.

19.25 «Чорраҳаддаги олишув». Бадий фильм. 1-серия (Одесса киностудияси).

20.30 Москва. «Время».

21.10 Хиндистон ва Ўзбекистон санъати дўстлиги кечаси.

22.00 «Азборот».

22.25 «Тошкент ишбилармонлар учрашуви».

22.45 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гаваҳр Матқубова.

23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

18.00 «Қалжақ қондиси». Телефильм.

18.20 «Аралеш-қуралеш». Кино-премьераси. 8-серия.

9.45 «Болалар музика клуби».

10.30 «Мени урушга кузатишди...» Езувчилар уруш ҳақида.

11.45 Ишчан чопер.

12.00 «Эвро шакри». Бадий фильм.

13.40 Бойқўнғир космодромини ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.

14.30 ТСН.

14.45 «Қўшовоз учун куй». Телевизион бадий фильм. 1-серия («Экран»).

15.55 «Қизикувчилар олами».

16.10 Болалар учун фильм. «Уч қувноқ смена». 3-серия.

17.15 «Музика хазина».

18.00 ТСН.

18.15 Ишчан чопер.

18.30 «Номинг ўчсин уруш». Олти сериялик совет — герман ҳужжатли фильми премьераси. 3-фильм.

19.00 «Сен эслатгин, Россия...». СССР халқ артисти Н. Сазонова хотирали.

19.25 «Бедана ноласи». Тўққиз сериялик телевизион бадий фильм премьераси. 8-серия.

20.30 «Время».

21.10 Долзарб интервью.

21.20 «Инсон ва қонун».

22.35 1991 йил қўшиқлари.

23.30 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.

23.45 «Ўтмиш йиллар оҳанглери». Киноконцерт.

00.35 Катталар учун мультфильм-лар.

01.15 Н. Масковский. «Аластор». Симфоник поэма.

01.35 «Бедана ноласи». Тўққиз

сериялик телевизион бадий фильм премьераси. 8-серия.

● МТ II

8.00 Эртабаки бадантермия машқлари. 8.20 Н. Николаева ча-лади (фортепиано). 9.05 «Қайри-либ боқ, Россия!». Рус чорбоғининг тарихи. 1-кўрсатув. 10.05 «Петушишка». Мультфильм. 10.15 О. Иоселиани. «Олдузлар туркуми». К. Маржанишвили номли грузин Давлат академик театрининг фильм-спектакли.

13.35 «Бизнинг Чукочкалар». СССР халқ артисти С. В. Образцов раҳбарлигидаги Давлат Марказий кўйриқоч театрининг фильм-спектакли. 14.30 Чечен-Ингушетияда кооперативчилар ҳаракати ҳақида телефильм премь-

ераси. 15.00 «Телевизион музикаий абонемент». 16.00 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм. 1 ва 2-сериялар.

18.45 «Воқеа содир бўлган жой — Лива. Утлоғи». Телефильм. 19.30 «Кўзма» Петров-Водкин. Телефильм. 19.45 Хайри-туш, кичикнотойлар! 20.00 П. И. Чайковскийнинг «Уйқудан гўзал» балетдан концерт-сента. 20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан). 21.10 Футбол. СССР чемпионат. «Динамо» (Киев) — МАСК. Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (21.45) — «Олатов бўйилари». Телефильм. 22.55 СССР Олий Кенгашининг сессиясида. 23.40 «Улар ва болалари». Телевизион бадий фильм (Рига киностудияси).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» (Сельская правда) Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36. Азборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Бозорчилик бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.